

Қува тумани «Дехқон бозори» aksiyadorlik jamiyatı акциядорларининг 2016 йил 04 май кунги навбатдаги умумий йиғилиши томонидан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Умумий йиғилиши раиси

**Қува тумани «Дехқон бозори» aksiyadorlik jamiyatı акциядорларининг
умумий йиғилиши тұғрисидаги
НИЗОМИ**

1. Умумий қоидалар.
 2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари.
 3. Умумий йиғилишда қатнашиш хуқуқи. Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш.
 4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш.
 5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби.
 6. Умумий йиғилиш кворуми.
 7. Умумий йиғилишнинг ишчи органлари ва унинг олиб бориш тартиби.
 8. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни.
 9. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини бажариш.
- 1-Илова. Умумий йиғилишининг қайд қилиш рўйхати.
- 2-Илова. Бюллетень.
- 3-Илова. Ишончнома.
- 3а-Илова. Ишончнома.
- 4-Илова. Хабарнома.
- 5-Илова. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар киритиши.
- 6-Илова. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тұғрисидаги акциядорларнинг талаби.
- 7-Илова. Кузатув кенгашининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилишида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тартибини ташкиллаштирилиши.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Мазкур Низом Қува тумани «Дехқон бозори» aksiyadorlik jamiyatı (матн давомида «Жамият» деб номланади) акциядорлар умумий йиғилишининг мақомини ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.
- 1.2. Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тұғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, ҳамда Жамият Уставига ва амалдаги қонунчиликка асосан ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг Кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг коллегиал ижроия органининг аъзолари, билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш ва бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

1.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

2. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

а) Жамият уставига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) Жамиятни қайта ташкил этиш;

в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

е) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;

ж) Жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

з) ўз акцияларини олиш;

и) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

к) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

л) жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

м) Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

н) Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшлиши;

о) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

п) қимматли қофозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қофозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли хуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- с) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- т) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- у) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори микдорларини белгилаш;
- ф) қонунчилиқда белгиланган холларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- х) қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Юқорида а), б), в), д), н), ф) кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

3. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.2. Жамият акциядорларининг реестрига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тузатилган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар (уларнинг вакиллари), жамият аудитори, Кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси ва ижроия органининг аъзолари (агар овоз бериш бюллетенига киритилган номзодлар, яъни Кузатув Кенгаш аъзолари, тафтиш комиссияси ва ижроия органи раҳбарини мухокама қилганда уларнинг иштирок этиши таклиф этилади) эга.

3.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорлар (уларнинг вакиллари) умумий йиғилиш ўтказиладиган вақт ва жойда рўйхатдан ўтишлари шарт.

3.5. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим.

3.6. Жисмоний шахсларни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш акциядорнинг шахсини тасдиқловчи паспорт ёки бошқа ҳужжат асосида, уларнинг вакиллари эса акциядорнинг номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган ҳолда амалга оширади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлиdir.

3.7. Юридик шахс раҳбари жамият акциядори умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг мухри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

3.8. Акциядор юридик шахснинг вакили акциядорлар умумий йиғилишида ташкилот раҳбарининг имзоси билан ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси чекилган, ушбу ташкилотнинг мухри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

3.9. Жамият акциядорлари реестрига биноан ушбу Низомнинг 1-иловасига кўрсатилган шаклда қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва акциядорлик жамияти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.10. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва жамият акциядорлари реестири маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун ушбу Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган шаклида бюллетен ёки бюллетенлар тўпламини оладилар.

3.11. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетенъ берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига "_____та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича" "____" да берилган ишончнома бўйича" деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади (З ва За иловалар).

3.12. Агар жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

4. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамиятнинг Кузатув кенгаси қуидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестири шакллантирилдиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин 4-иловага асосан Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестирига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестири шакллантирилдиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

➤ умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хуносаси, жамият Кузатув кенгашининг, бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хуносаси, шунингдек жамиятнинг Кузатув кенгashi ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

4.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар (5-иловага ассосан) Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камидан бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар қўрсатишга ҳакли.

4.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури қўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади. Жамият Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига номзодлар қўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб қўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни қўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури қўрсатилади.

4.7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда қонунчиликда белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.8. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек қўрсатилган номзодлар жамиятнинг Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қонунчиликда белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) жамиятнинг қонунчиликда назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- қонунчиликда назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.9. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки тақлиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.10. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИ ЧАҚИРИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра:

- унинг ўз ташаббуси асосида;
- тафтиш комиссиясининг ёзма талаби;
- жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади (6-иловага асосан).

5.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг Кузатув кенгаси томонидан амалга оширилади.

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йигилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган холда таърифланган бўлиши керак.

5.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаси жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чакириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

5.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йигилишини чакиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичida жамият Кузатув кенгаси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисида ёки йигилишини чакиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.8. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) қонунчиликда назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига кирмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.9. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йигилишни чакиришни рад этиш

ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилған шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.10. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.11. Жамият Кузатув кенгаши қонунчиликда белгиланган муддат ичida акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилған тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилған шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

5.12. Кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш бўйича масалаларни кўриб чиқишида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 7-иоловага ассосан чақирилади.

6. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

6.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишида кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

6.4. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш қонунчиликда назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

6.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

7. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ ВА УНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

7.1. Умумий йиғилишнинг раиси (раёсати), саноқ комиссияси ва котибият умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади.

7.2. Умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланадилар. Бунда акциядорлар умумий йиғилиши раёсатининг таркибига Кузатув кенгаш раиси киради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишида сайланади, йиғилишни олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларини зарур тартибда бажарилиши учун лозим бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Умумий йиғилиш раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, Умумий йиғилиш ишчи ораглари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маъruzачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

7.5. Умумий йиғилиш раиси умумий йиғилиш баёни ва қарорини имзолайди.

7.6. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.7. Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Саноқ комиссияси таркибига жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, жамият Бошқаруви аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

7.8. Саноқ комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳукуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳукуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради, овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг архивига топширади.

7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

7.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

7.11. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни ушбу Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган шаклида жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият Кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

7.12. Овоз бериш бюллетенида: жамиятнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиши навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага «ёқлайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

7.13. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

7.14. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан факат биттасини колдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш

бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

7.15. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан қонунчиликда кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

7.16. Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

7.17. Овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун жамиятнинг архивига топширилади.

7.18. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

7.19. Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

7.20. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур низомга мувофиқ тасдиқланади.

7.21. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида сайланган саноқ комиссияси бир йил давомида агар таркибида ўзгариш бўлмаса кейин бўладиган навбатдан ташқари умумий йиғилишларда ҳам ўз фаолиятини давом этириади. Саноқ комиссияси умумий йиғилишга келган акциядорларни рўйхат бўйича овозларини ҳисоблаб чиқиб, йиғилиш кворумини аниқлайди.

7.22. Кузатув кенгаш раиси умумий йиғилишни очиб аввал саноқ комиссиясига сўз беради, йиғилиш кворуми бўйича саноқ комиссияси мажлис қарорини маълумот учун овозга қўяди, йиғилишни очиқ деб эълон қиласди, саноқ комиссиясини, йиғилиш раиси ва котибини сайлашни таклиф этади.

7.23. Акциядорлар ташаббусига кўра чақирилган умумий йиғилиш йиғилишни чақирган шахслар томонидан юқорида қайд қилинган тартибда олиб борилиши мумкин.

7.24. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчилигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

7.25. Йиғилиш давомида пайдо бўлувчи жорий масалаларни раис муҳокама қилинаётган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишида бош принципдан: ҳар бир қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиши хукуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб яккабошлиқ билан ҳал этилади.

7.26. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртманома берадилар.

7.27. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин йиғилиш раиси акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласди.

8. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ

8.1. Умумий йиғилиш котиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади.

8.2. Котиб номзодини аниқлашга нисбатан мазкур низомнинг 7.7. бандига мувофиқ саноқ комиссияси аъзоларини тайинлашга қўйиладиган талабларга ўхшаш талаблар қўйилади.

8.3. Умумий йиғилиш котиби:

- умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд этиб боради;
- ёзма буюртманомалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини мухокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;
- умумий йиғилиш ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини икки нусхада тузади.

8.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади;

8.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

8.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

8.7. Саноқ комиссияси баёни акциядорлар умумий йиғилишининг маҳсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда умумий йиғилиш баённомасига тикиб қўйилиши керак.

8.8. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни имзолангандан кейин саноқ комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан умумий йиғилиш акциядорларининг қайд қилиш рўйхатини, саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланган мухрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш якунлари тўғрисидаги баёнларни ва акциядорлар умумий йиғилиши баёнини тикиб, номерлаб, жамият мухри билан тасдиқлаб, саклаш учун жамият архивига топширади.

9. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

9.1. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса ва баёнда акс эттирилмаган бўлса, жамият Кузатув кенгаши амалга оширади.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
түғрисидаги Низомга **1-илова**

**Кува тумани «Дехқон бозори» aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг _____ йил _____ да
ўтказиладиган йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишининг
қайд қилиш рўйхати**

Т/р	Акциядор фамилияси, исми, отасининг исми (номи)	Депо хисоб рақами	Овоз берувчи акциялар сони	Акциядор имзоси	(вакил бор бўлса, тўлдирилади)				
					Вакил фамилияси, исми, отасининг исми (номи)	Ишончн ома рақами	Ишончн ома берилган сана	Овоз берувчи акциялар сони	Вакил имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Умумий йиғилишнинг барча рўйхатдан ўтказилган қатнашчилари киши _____, овоз берувчилар _____

Кворум мавжудлиги (овоз берувчи акцияларнинг умумий сонидан фоизларда) _____ %.

Саноқ комиссияси аъзоларининг имзолари:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга **2-илова**

20 ____ йил « » ____ да
акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташкари) умумий
йиғилишида овоз бериш учун Куба тумани «Дехқон бозори» aksiyadorlik jamiyatি нинг
_____ та овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорининг ____ сон*
бюллетени

№	Кун тартибидаги масалалар	Овоз беришга қўйилган масалаларнинг таърифи	Овоз бериш вариантлари (керак бўлмаганини ўчиринг)**		
1			Ёқлайман	Қарши	Бетараф
2			Ёқлайман	Қарши	Бетараф
3			Ёқлайман	Қарши	Бетараф

Фамилияси, исми ва отасининг исмининг бош ҳарфлари

(имзо)

* Қайд этиш рўйхати бўйича акциядорнинг рақами кўрсатилади.

** Овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирилади.

№	Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш(кумулятив овоз бериш), Овозлар сони _____	Номзод ФИО	Номзод учун берилган овозлар сони
1			
2			
3			
4			

Акционер(акционернинг вакили) (ФИО) _____
Имзоси

Бюллетең Акционер(акционернинг вакили) томонидан имзоланиши шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга **З-илова**

ИШОНЧНОМА

Мен, _____ Қува тумани «Дехқон бозори» aksiyadorlik jamiyati нинг _____ та оддий акцияларига (ва _____ та имтиёзли акцияларига эгаллик қилувчи) _____ менга тегишли барча акциялар билан овоз беришда акциядорлар йиғилишида менинг манфаатларимни ифодалаш учун _____ га ишонч билдираман.

Менинг манзилим:

Вакилнинг манзили:

Паспорт

серия _____ № _____

Паспорт

серия _____ № _____

берилган _____

берилган _____

Ишончнома 20____ йил «____»____ дан 20____ йил «____»гача ҳақиқийdir.

Акциядорнинг имзоси _____ Сана _____

Акциядорнинг шахсий имзосини тасдиқлайман.

Нотариус _____

Имзо _____

Сана _____

М.Ў.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тұғрисидаги Низомга **За-илова**

ИШОНЧНОМА

Мен, _____ Куба тумани «Декон бозори» aksiyadorlik jamiyati нинг акциядори ҳисобланувчи, _____ та оддий акцияга (ва _____ та имтиёзли акцияга) эгалик қилувчи _____

(юридик шахснинг номи)

_____ нинг раҳбари (директори, раис) _____ фуқаро _____ га акциядорлар йиғилишида барча тегишли акциялар билан _____ нинг манфаатларини ифодалашга ишонч билдираман.

(юридик шахс номи)

Акциядорнинг манзили:

Вакилнинг манзили:

Банк реквизитлари:

Паспорт серия _____ № _____

20 ____ йил «____» _____ дан 20 ____ йил «____» _____ гача амал қилади.

Раҳбарнинг имзоси _____

Сана _____

М.Ү.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга **4-илова**

Билдиришнома

Хурматли

_____ манзилида жойлашган Қува тумани «Дехқон бозори» aksiyadorlik
jamiyati _____ (телефон) Сизга 20____ «__»
соат_____ минутда_____ манзилида жойлашган
акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик (навбатдан ташкари) йиғилиши бўлиши
ҳақида маълум қиласди.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 20____ йил
«__» _____ даги ҳолатига кўра тузилади. Электрон почта манзили: info@_____.uz

Йиғилиш кун тартибига қўйидаги масалалар киритилган:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида Сиз
_____ манзил ёки _____ телефон ва _____ сайт
орқали акциядорлар умумий йиғилишининг қўйидаги материаллари билан танишишингиз
мумкин:

- 1.
- 2.
- 3.

Ёнингизда паспорт ёки шахсни тасдиқловчи гувохнома бўлиши сўралади.

Қува тумани «Дехқон бозори» aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгаши.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тұғрисидаги Низомга **5-илова**

Акциядор _____
Ф.И.О.

жамиятнинг _____ фоиз овоз берувчи акциялари эгасидан, паспорт серияси _____
рақами _____ йил _____ да _____ ИИБ томонидан берилган,
жамиятнинг _____ фоиз овоз берувчи акциялари эгаси Кува тумани «Декон бозори»
aksiyadorlik jamiyati акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритиш
тұғрисидаги

ТАКЛИФИ.

Бу йил ўтказиладиган акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига
муҳокама қилиш учун қуидаги масалаларни киритишни таклиф қиласман:

Йиғилиш кун тартибидаги 20_____йил учун Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси
аъзоларини сайлаш масаласи бўйича қуидаги номзодларни таклиф қиласман:

T/p	Номзод фамилияси, исми, отасининг исми	Овоз берувчи акциялар сони	Кайси органга
			Кузатув кенгаши аъзолигига
			Тафтиш комиссияси аъзолигига

Имзо _____

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга **6-илова**

Акциядор _____

Ф.И.О.

жамиятнинг 5(беш)фоиз овоз берувчи оддий акциялари эгасидан ёки
акциядорлар(____дона овоз берувчи оддий акциялари эгаси_____, ____дона овоз
берувчи оддий акциялари эгаси_____,лар)дан жамият акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида

ТАЛАБНОМА

Мен(Биз) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва кциядорларнинг
хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунинг 65-моддаси талабига асосан
сабабли

20 ____йил ____кунга акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини
чақиришингизни талаб қиласман(миз)

Навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига муҳокама қилиш учун қуйидаги
масалаларни киритишни таклиф қиласман(миз):

Ушбу талабни Қонунда кўрсатилган муддатда кўриб чиқишингизни ва жавоб
беришингизни сўрайман(миз)

Имзо _____

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга **7-илова**

**Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш учун акциядорларнинг
навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишини ташкил этиш**

ТАРТИБИ

1. Мазкур тартиб акциядорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш, акциядорлик жамиятининг жорий ваколатини унча яхши билмай ва ноҳалол бошқариш сабабли уларнинг манфаатларига зарар етказмаслик юзасидан уларнинг хукуқларини ҳимоя қилишда акциядорларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Кузатув кенгаши фаолиятини муддатидан олдин тўхтатиш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш учун қўйидагилар асос бўлади:

- Кузатув кенгаши қарори;
- жамият тафтиш комиссияси ёки аудиторининг талаби;
- талаб қўйилаётган санада жамиятнинг камидা беш фоиз овоз берувчи акцияси эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар) нинг талаби.

3. Кўйидагилар кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабларнинг сабаби ҳисобланади:

➤ Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, жамият уставига, акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига риоя қиласли;

➤ жамиятга зарар келтирганлик, акциядорларнинг мулкий хукуқларига зиён етказиш, шу жумладан ишлаб чиқариш молия-хўжалик фаолиятининг жиддий ёмонлашуви, фойда ва рентабелликнинг пасайиши, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотищ, ишлар, хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг асоссиз равишда камайиб кетиши билан боғлик зиён етказганлик;

➤ жамиятнинг иқтисодий начорлиги (банкротлиги) белгилари мавжудлиги ёки уларнинг пайдо бўлиш хавфи, давлат бюджети, ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармалар олдидағи барқарор қарздорлик;

➤ Кузатув кенгаши аъзоларининг ўз вазифа ва бурчларини бажармаслиги, ўз мажбуриятларига совуқконлик билан ёндошиши, умуман фаолият кўрсатмаслиги.

4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб Кузатув кенгашига берилади ва унда аниқ сабаблар ҳамда уларнинг асослилиги кўрсатилган ҳолда йиғилишнинг кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар бўлиши лозим.

5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисидаги талабномада Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масаладан ташқари, кун тартибига Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласини киритиш бўйича алоҳида таклиф бўлиши керак.

6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисидаги талабнома акциядор (акциядорлар)дан тушган ҳолларда унда акциядорга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган ҳолда йиғилиш чакиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар)нинг исми-шарифи (номи) бўлиши керак.

7. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабнома уни чакиришни талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

8. Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас ва ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёки талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичida акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

9. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

10. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Жамият Кузатув кенгаши қонунчиликда белгиланган муддат ичida акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.